

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва KOICA ёш олимларнинг кимё соҳасидаги илмий фаолиятини қўллаб-қувватлашда давом этади

// 13.02.2025

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-va-koica-yosh-olimlarning-kimyo-sohasidagi>



Шу йилнинг 3 ва 12-феврал кунлари “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан ташкил этилган стипендия дастурининг навбатдаги ғолиблари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда стипендия ғолиблари Рустам Йўлдошев ва Нодира Саидоваларга махсус йўриқномалар топширилди. Энди улар Корея Фан ва Технология Университетида (UST) докторантура босқичида илмий изланишларини давом эттиради.

Маълумот учун таъкидлаш жоиз, мамлакатимиз кимё саноати рақобатбардошлигини ошириш, соҳада инновацияларни ривожлантириш, замонавий инфратузилма яратиш ва малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ушбу лойиҳа бошланганидан буён 11 нафар талаба магистратура, 7 нафари докторантура босқичларида дастур ғолибларига айланди.

"Ўзкимёсаноат" АЖ вакиллари ва КОИСАнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори ўринбосари Парк Сеонгмин дастур ғолибларини ушбу муҳим ютуқ билан табриклаб, уларнинг келгуси илмий фаолиятларига муваффақият тиладилар.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати